

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## ЎЗОР БЕКЛИГИ АМЛОКЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашев Умар Кузиевич

Иқтисодиёт ва педагогика университети

нодавлат таълим муассасаси мустақил изланувчиси

### Аннотация:

Мақолада XIX аср охирлари – XX аср бошларида Бухоро амирлиги Гузор беклигидаги амлоқликларининг номланиши, унинг хусусиятлари, келиб чиқишига қараб ҳамда туркий ва форсий топонимлардан иборат бўлса, амлоқликлар номланиши ва келиб чиқиши айнан қандай омиллар билан боғлиқлиги етарлича аниқланмаган. Амлоқликлар номланишлари таҳлил қилиниб, улар тўғрисида мулоҳазалар келтирилган, шунингдек, ушбу масалалар бўйича айрим истиқболли маълумотлар муҳокама қилинган.

**Таянч сўзлар:** Эскибоғ, Гуршак, Ёрти-тепа, Ўрай калон, Ўрай хурд, Танги Ҳарам, Афғон-боғ, Гармистон, Қамай, Белибойли, Махас Пурчой, Кумсе, “шариат-паноҳ”, “Ўзор дарвозаси”, “Қамай”, “Тўра”.

### Амлоки Гузарского бекства и их отличительные особенности .

Эргашев Умар Кузиевич

(самостоятельный исследователь негосударственного образовательного учреждения экономико-педагогического университета).

### Аннотация:

В статье недостаточно определено, с какими именно факторами связано наименование и происхождение амлоков в Гузарском бекстве Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX века, в зависимости от их характеристик, происхождения, а также турецких и персидских топонимов. Были проанализированы названия амлоков и даны отзывы о них, а также обсуждены некоторые многообещающие данные по этим вопросам.

**Ключевые слова:** Эскибаг, Гуршак, Ёрти-Тева, Урай Калон, Урай Хурд, Танги харам, Афган-баг, Гармистан, Қамай, Белибайли, Махас Пурчой, Кумсе, “шариат-панах”, “Ворота Гузара”, “Қамай”, “Тура”.



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## Amlocks of Guzar principality and their characteristics.

Ergashev Umar Kuziyevich (Independent researcher of the University of Ekonomies and Pedagogy nongovernmental edicational establishment).

### Annotation:

The article does not sufficiently determine the naming of the amlokids in the Guzor station of the emirate of Bukhara in the late 19th – early 20th centuries, depending on its features, origin and consisting of Turkic and Persian toponyms, by what factors exactly the naming and origin of the amlokians are associated with. The names of the amlokites are analyzed and comments are made on them, as well as some promising information on these issues is discussed.

**Key words:** Eskibog, Ghurshak, Yorti-Tepa, O'rai Kalon, O'rai Khurd, Tangi Haram, Afghani-bog, Gharmistan, Qamay, Beliboyli, Mahas Purchoy, Kumse, “Sharia-sanctuary”, “Ghuzor gate”, “Qamay”, “Torah”.

Қадимги давр ва илк ўрта асрларда бўлгани каби сўнгги ўрта асрларда ҳам Ғузор ўрта Осиёнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий марказларидан бири сифатида билинади. Бу даврда Бухоро амирлигига қаршли маъмурий бирликлардан бири бўлган Ғузор беклиги тарихига доир маълумотлар асосан форс, туркий (ўзбек) ва рус тилли манбаларда сақланиб қолган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида амирликка қаршли бекликлар орасида Ғузор беклигининг ҳам нуфузи анча ўсган бўлиб, буни ёзма манбалар ва этнографик материаллар тасдиқлайди. Бекликда 9 та амлоклик бўлиб, улар Бухоро амирлигига тегишли Қушбеги хужжатларида Эскибоғ, Ғуршак, Ёрти-тепа, Ўрай калон, Ўрай хурд, Танги Ҳарам, Афғон-боғ, Ғармистон, Қамай каби номлар билан қайд этилган. Бироқ бошқа ёзма манбаларда, хусусан, рус муаллифларининг қайдларида ушбу амлокликлар номи бирмунча фарқли келтирилгани учун тадқиқотчилар уларнинг номини турлича келтираётганликлари кўзга ташланади. Жумладан, Ғузор беклиги тарихи бўйича тадқиқот олиб борган А.Х. Эрназаров уларни қуйидагича келтиради [1:14]. Ғармистон, Афғон, Бол, Жартепа, Эскибоғ, Ўрай Калон, Ўрай-Хурд, Қиршак, Танги-Ҳарам. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотчи Ғузор беклиги Кичик Ўра, Катта Ўра, Ҳаршак, Афғон, Иккинчи Катта Ўра, Иккинчи Ҳаршак, Эскибоғ, Ғармистон каби худудлардан иборат бўлганини ёзади [2:14].



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Бундан ташқари у “XIX аср охири – XX аср бошларида эса амлокликлар Белибойли, Фармистон, Гиршак, Махас Пурчой, Эскибоғ, Ёртепа, Кумсе, Тангихарам, Ўрай калон, Урай хурд кабилар эди” деб келтиради.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, А.Х. Эрназаров баъзи амлокликларнинг номини фарқли кўринишларда бергани кўзга ташланади: Киршак – Ҳаршак – Гиршак; Жартепа – Ёртепа. Шунингдек, у амлокликлардан бирининг номини Бол шаклида келтирган бўлиб, аслида бекликда бундай номдаги амлоклик бўлган ёки аксинча экани маълум эмас. Чамаси, у Афғон-боғ амлоклигининг иккинчи қисми “боғ”ни Бол деб ўқиган бўлиши мумкин. бекликдаги 31 та қишлоқни ўз ичига олган йирик амлоклик Ғуршак атамасини 3 хил кўринишда (Киршак – Ҳаршак – Гиршак) келтиришнинг негизида эса ушбу амлок номининг ёзма манбаларда турлича келтирилиши ёки фарқли талаффузлари бўлгани каби омиллар ётса керак. Шу билан бирга, Ғузур беклигидаги амлокликлар номи сифатида тадқиқотчи келтириб ўтган Махас Пурчой, Кумсе номларининг ҳам аслида қандай бўлгани масаласи ўз ечимини кутади. Фақатгина улардан иккинчиси – Кумсе топонимини Қушбеги ҳужжатларида “Қамай” (ҳужжат ноширлари ушбу топонимнинг кириллча шаклини Қими шаклида янглиш кўрсатишган [3:80]. – У. Э.) шаклида келтирилган топоним билан битта деб қараш мумкин.

Ғузур амлокликларининг номлари турлича келтирилишининг сабабларидан яна бири шуки, XIX асрнинг илк ярми ва XX аср бошларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус ва европалик муаллифлар маҳаллий жой номларини ёзишда турлича ёндашганликлари, ўзларига таниш бўлмаган туркий (ўзбек)ча ва форсий (тожик)ча номларни келтиришда бирмунча хатоларга йўл қўйганлар. Бу эса ушбу муаллифларнинг маълумотларидан фойдаланиш жараёнида айрим англашмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Масалан, юқорида келтириб ўтилган Ғуршак амлоклиги номининг Ғуршак[4:40], Гиришк, Ҳаршак, Киршак, Гиршак шаклларида берилиши каби. Бу даврда Ғузур беклигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бекликнинг бош бошқарувчиси “тўра” деб юритилиб, улар Бухоро амирлигини бошқарган Манғит сулоласига мансуб бўлишган. Тўғри, амирликдаги Қарши, Чироқчи, Яккабоғ каби бекликларни ҳам ушбу сулолага мансуб амалдорлар бошқарган, бироқ уларнинг айримларида бу ҳолат мунтазамлик касб этмаган. Қарши беклигида Манғит сулоласига мансуб валиаҳд шахзода бошқарувда бўлиб, бу жиҳатдан Ғузурдаги тўралар улардан фарқ қилган. Ғузур беклигига



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Бухоро амири тайин этган “тўра” раҳбарлик қилган бўлса, қолган лавозимларда “раис”, дин пешволари, мингбоши, садрлар, юзбоши, маҳалла оксоқоллари, тўранинг яқин кишилари турган. Аслида бунга ўхшаш ҳолат амирликка қарашли бошқа бекликларда ҳам амал қилган.

Тўра ўзи бошқарган ҳудудда яқин кишиларини тайинлаш ёки ишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлиб, у кўпинча диний арбоблар билан кенгашган ҳолда бекликни бошқарган. Диний арбоблар - руҳонийлар амирликда энг обрўли тоифа саналиб, шу боисдан улар беклик ҳаётида ҳам катта ўрин эгаллаганлар [5:77]. Қозилик ишлари - судлов ҳокимиятига тўранинг ўзи бошлиқ бўлиб, ер эгалари ва савдогарлар тоифаси ҳукмронлигига, давлат ишларига қарши қаратилган жиноий ишларни шахсан ўзи текшириб, ҳукм чиқарган. Тўрадан кейин судлов ишларига бошлиқлик қозикалон кўлида бўлиб, расмий ҳужжатларда у “шариат-паноҳ” деб аталган ва жойлардаги тергов-суриштирув ишлари туман қозиларининг назоратида бўлган [6:177].

Ғузор беклигини Қашқадарё воҳасидаги бошқа бекликлардан бирмунча ажратиб турган яна бир хусусият – қбу унинг қадимий савдо йўллари, хусусан, тоғ доvonларига эгалик қилганлигидир. Айниқса, шу жиҳати билан у кўшни Қарши беклигидан фарқ қилган. Маълумки, XX аср бошида Ғузор беклиги шимолда Янгикент, Хонобод қишлоқлари орқали Қарши беклиги билан, жанубда Шеробод ва Бойсун бекликлари, Дарбанд (қадимги Темир Дарвоза) ва Танги Ҳарам доvони, Бойсун чўллари билан, шарқда Яккабоғ беклиги билан Лангар ота зиёратгоҳи орқали ва Чироқчи беклиги ҳамда Ёртепа қишлоғи билан, ғарбда чўлли ҳудуд орқали Карки беклиги билан чегараланган катта ҳудудни ўз ичига олиб, Қашқадарё ва Сурхон воҳалари туташган ҳудудда жойлашган эди[7:54]. Бекликнинг бундай географик жойлашуви унинг аҳолисининг маиший-иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатган.

Рус муаллифлари ёзиб қолдирган қайдлардан маълум бўлишича, Ғузор беклигининг майдони 4500 кв верст ёки 9 милни ташкил этиб, бир кв.км милга ўртача 260 нафар киши тўғри келган. Аҳолининг 22.000 нафарга яқини Катта Ўрадарё водийсида, 3500 нафарга яқини Кичик Ўрадарё, 2000 нафарга яқини Ғузордарё бўйларида, яъни бекликнинг шимоли – шарқида истиқомат қилар эди. Бекликнинг баъзи ҳудудларида аҳоли нисбатан зич жойлашган, хусусан, Ғармистон амлоқлигининг умумий майдони 3,5 кв милни ташкил қилиб, ҳар бир квадрат милга ўртача 550 нафарга яқин одам тўғри келган [8:165]. Ғузор беклигидаги амлоқликларда 20.000 ҳовли ва аҳолиси 60.000 нафарга эга



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

бўлган йирик ўзбек уруғи – кўнғиротлар ва қурамалар истиқомат қилганлар. Ғузур воҳаси аҳолисининг аксарият қисми ўзбеклар бўлиб, қишлоқларда 97 фоиздан зиёдни ташкил этган. Кўнғиротлар Ғуршак амлоқлигида 7125 нафар киши, юқори Кичик ва Катта Ўрадарёлар бўйларида – 8875 нафар киши, Ғузурдарё водийсида – 4570 нафар кишидан иборат бўлган [9:112].

Ғузур беклигининг йирик қишлоқларида ўзбек уруғлари кўпчилиқни ташкил қилиб, уларнинг айримлари бир неча қишлоқларда истиқомат қилганлар: Чўмичлида – кўнғиротлар, Керайитда – керайит ва қовчинлар, Зангтепада – қовчинлар, Совбоғда – кўнғирот ва саройлар, Саройда – саройлар, Қумчўпда – сарой ва манғитлар, Сийроқда – саройлар, Қўштепада – кўнғирот ва саройлар, Батошда – батошлар, Апардида сарой ва манғитлар, Чақарда қовчин ва тожиклар, Авғонбоғда қовчинлар, тожиклар, Манғитда – манғитлар, Вайронада қовчинлар, Зангибобода кўнғиротлар, қутчилар, саройлар, Қоратиканда можарлар, Қовчинда қовчинлар ва тожиклар, Ёрғунчида сарой ва қутчилар, Қорасувда найманлар, қутчилар ва саройлар истиқомат қилган[10:15-16]. Ғузур беклигидаги ўз уруғини биладиган ўзбеклар орасида кўнғирот ва саройлар кўпчилиқни ташкил этишган.

Ғузур беклигининг бошқарув маркази – Ғузур шаҳрида Қарши, Кунчиқар ва Чармғар дарвозалари ҳамда Хўжағузур, Чармғар, Бойғузур, Тошқўрғон каби маҳаллалар жойлашган. Шаҳар қалъасининг харобалари XVIII асргача сақланиб қолган. XIX аср бошларида шаҳар харобалари батамом йўқолиб, шаҳар ҳозирги ўрнида шаклланган, маъмурий ва бошқа иншоотлар қад кўтарган [11:99]. Қарши шаҳрининг Ғузур йўли билан туташган шимолий-шарқдаги Тутан дарвозаси “Ғузур дарвозаси” деб ҳам аталган. Шаҳар аҳолисининг катта қисми бирор уруғ бўлинишига эга бўлмай, ўзларини “ғузурлик” деб атаганлар. Шаҳар аҳолисининг бир қисми ўзбек, бир қисми эса тожик тилида сўзлашган[12:102].

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ғузур беклиги ҳам амирликнинг муҳим аҳамиятга молик бекликларидан ҳисобланиб, Амир Ҳайдар отаси ҳукмронлиги йилларида бу ерда беклик маснадида турган. XX аср бошларида эса Ғузур беклиги Бухоро амирининг ақаси томонидан бошқарилган. Ғузур беклиги дастлаб 6 та амлоқликка бўлинган [13:79-104]. Ғузур беклигидаги биринчи амлоқлик Афғон (Афғон-боғ) деб аталиб, унга Ғузур шаҳрининг шимоли ва Ғузурдарёнинг ўнг томонида жойлашган 2000 аҳолидан иборат 10 та қишлоқ кирган. Иккинчи амлоқлик Ғузур шаҳрининг шимоли-ғарбий ва



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Ғузур дарёнинг чап томонида жойлашган 1600 нафар аҳолидан иборат Ғармистон амлоклиги деб номланиб, у 16 та қишлоқдан таркиб топган. Учинчиси Эскибоғ амлоклиги бўлиб, унга Ғузур шаҳрининг ғарбий ва жанубий қисмида жойлашган 1600 дан зиёд аҳолидан иборат 9 та қишлоқ кирган. Тўртинчи амлоклик Катта Ўра дарё водийсида жойлашганлиги боис Катта Ўра деб номланган ҳамда 3000 кишилиқ аҳолидан иборат 40 та қишлоқни ўз ичига олган. Кичик Ўра дарё водийсида жойлашган бешинчи амлоклик Кичик Ўра деб аталиб, 1500 аҳолидан иборат 17 қишлоқни ўз ичига олган [14:164].

Россия империяси Ўрта Осиёнинг кўплаб ҳудудларини босиб олгач, бу ердаги вилоят ва туманларнинг географик жойлашуви, иқлими, иқтисодий имкониятлари, конлар ва қазилма бойликлари, йўллар ва гўзарларига доир маълумотлар тўплай бошлаганлар. Бу масалада Ғузур беклиги ҳам четда қолмаган. XIX аср охирида рус ҳарбий зобитлари Келифдан Ғузур ва Қаршига ўтувчи йўллар ҳақида маълумотлар берганликлари ҳам бунинг ёрқин ўрнакларидир. Рус муаллифларининг қайд этишича, Қўхитанг қишлоғида Келиф Ғузур йўлидаги ягона бозор бўлган ва сўнг йўл Шерободга ўтган [15:194-195]. Н. Маевнинг таъкидлашича, Амударёдан Ғузургача бўлган ораликдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўзларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва чорва молларини ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари фаолият кўрсатувчи Шеробод беклигидаги Қўхитанг қишлоғидаги бозорга элиб сотишган. Н.А. Маев Шеробод беклигидаги Қўхитанг қишлоғидан Ғузур, Танги ҳарам (Дехқонобод) Шеробод ва Келифга йўл ўтганлигига эътибор қаратган. Россия ҳарбий маслаҳатчиси капитан Петров Бойсун, Шеробод, Ғузурга элтувчи йўллар ҳақида маълумотлар берган ва Дарбанддан Хоелкон тоғи ва Қораховол доғи орқали ўтиб, Кичик Ўрадарё бўйида жойлашган қишлоқлар йўллари юк ташиш учун қулайлигини аниқлаган. Бу каби маълумотлар Россия империясининг келгусида ушбу ҳудудларни қўлга киритиш режалари асосида йиғилган.

А.Х. Эрназаровнинг ёзишича, қадим ва ўрта асрларда Ғузур шаҳри ва вилояти минтақа, қолаверса бутун Марказий Осиё савдо йўлларининг чорраҳасидаги салоҳиятли марказлардан бири саналган [16:507]. Бухоро амирлигида 50 га яқин солиқлар ва тўловлар мавжуд бўлиб, бир йилда Ғузур беклигида 140 минг танга миқдорида закот йиғиб олинган [17:79]. XX асрнинг биринчи чорагидаги статистик маълумотларга кўра, 1924 йилда Қашқадарё областида 3



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

та вилоят тузилган: Ғузур, Қарши, Шаҳрисабз. Ғузур вилоятининг майдони 4978 кв.км, аҳолиси 37405 киши бўлиб, 1 кв.кмга 7,5 киши тўғри келган. Ғузур вилояти Ғузур, Танги Ҳарам (Дехқонобод) ва Янгикент туманларини ўз ичига олган.

Ғузур тарихий-географик жихатдан суғориладиган деҳқончилик учун қулай бўлган воҳалардан бири ҳисобланиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихий воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, амирлик шаҳзодаларидан Абдумалик тўранинг Ғузурда туриб, рус босқинчиларига қарши кураши ўз даврининг муҳим воқеликларидан бири сифатида баҳоланади.

Бу даврда Ғузур Бухоро амирлигининг энг йирик бекликларидан бирига айланиб, Ҳисор, Шеробод, Бойсун, Нурота, Кармана каби бекликлари билан тенг мавқега эга бўлган[18:508]. Бироқ Ғузур беклигининг амирликдаги мавқеи Қарши ва Шаҳрисабз бекликлари даражасида бўлмаган.

XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва унга қарашли бекликлар бўйича муҳим маълумотлар йиққан Д.Х. Логофет Ғузур беклиги амлоқликларининг кўпчилиги унумдор, серҳосил ерларга эгаллигига урғу берган[19:249]. Ғузур беклигининг сув манбаи Ғузурдарё ва Қашқадарё саналган. Шу билан бирга, бекликда чорвачилик турмуш тарзи устуворлик қилиб, чорвадорлар тоғ, тоғ олди ва дашт ҳудудларда ўз яйловларига эга бўлишган.

Хуллас, Ғузур беклигининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихига қисқача назар ташлаш шуни кўрсатадики, Бухоро амирлигига қарашли маъмурий бирлик сифатида бу ер кўплаб тарихий воқеликларга гувоҳ бўлган. Ҳудудий жихатдан у асосан бугунги Ғузур, Дехқонобод туманлари ва қисман Қамашу тумани ҳудудларини қамраб олиб, юзлаб аҳоли масканлари – қишлоқ ва овулларни иборат беклик сифатида бўлган.

## Адабиётлар:

1. Ernazarov A.X. G‘uzor bekligida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jarayonlar (XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlari). Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Qarshi, 2023. – B. 14.
2. Ernazarov A.X. G‘uzor bekligida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jarayonlar. B. 14.
3. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. – С. 80.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

4. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. – С. 40.
5. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л., 1973. – С. 77; Ernazarov A.X. G‘uzor bekligida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jarayonlar. – Б. 14.
6. Маев Н. Бухоро хонлиги очерклари. Ўзбек тилига И.Ботиров таржимаси. – Тошкент: Фан ва технология, 2012. – Б. 177; Ernazarov A.X. G‘uzor bekligida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jarayonlar. – Б. 14.
7. Семёнов А.А. Очерк земельно-податного и налогового устройства бывшего Бухарского ханства. – Ташкент, 1929. – С. 54.
8. Полк Федровъ. Статистический очерк Гузарского и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб.: Военная типография, 1894. – Вп 2.57. – С. 165.
9. Бўриев О., Ачилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. Б. 112.
10. Ernazarov A.X. G‘uzor bekligida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jarayonlar. – Б. 15-16.
11. Чориев З., Жўраев А. Ғузур тарихидан лавҳалар. – Т., 1997. – Б. 99.
12. Мухаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Хумоюн. Ба чоп тайёркунанда, мурағиб ва сарсухан Ҷўрабек Нарзиев. – Душанбе, 2006. – С. 102.
13. Мухаммаджонов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Т.: Университет. 2001. – С. 79-104.
14. Полк. Федоров. Статический очерк Гузарского и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., Военная типография, 1894.- Вп 2. 57. – С. 164.
15. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент, 2008. – Б. 194-195.
16. Эрназаров А.Х. Ғузур беклигининг тарихий – географик шарҳи // Markaziy Osiyo tarixi va madaniyati. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. O‘zMU. – Toshkent, 2023. – В. 507.
17. Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларига ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. – Тошкент, 2008. – Б. 79.
18. Эрназаров А.Х. Ғузур беклигининг тарихий – географик шарҳи. – Б. 508.
19. Логофет Д.Н. История завоевания Бухарского ханства. – М., 1911. –С. 249.

